

Миср Вақф вазирлиги иш фаолияти ҳақида маълумот берди



17:44 / 30.10.2023 833

Миср Вақф вазирлигининг расмий веб-сайтида бир мақола эълон қилди. Унда Қуръони Карим тўғараклари бутун мамлакат бўйлаб кенгайгани маълум қилди. Бу ҳақда iqna.ig нашри хабар берди. Мазкур тўғаракларда 145 мингдан ортиқ ўқувчилар иштирок этмоқда.

Вақф вазирлиги томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, Қоҳира, Суҳаж, Гиза ва Асют вилоятларида Қуръон Карим тўғаракларида энг кўп ўқувчилар қатнашмоқда.

Миср Вақф вазирлиги оддий халққа Қуръони Каримнинг тўғри тиловатини ўргатиш билан бирга Қуръони Карим тафсири бўйича ҳам тўғараклар ташкил қилишни бошлади.

Халқаро мусобақалар билан бир қаторда Қуръони Каримнинг турли даражаларида ҳифз мусобақалари ўтказиш, тафсир, фикҳ, ҳадис илми ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларига оид, Қуръон таълими бўйича тўғараклар, шу билан бир қаторда мисрлик кекса қорилар иштирокида ўтказиладиган маросимлар Миср Вақф вазирлигининг энг муҳим Қуръони Каримга алоқадор фаолияти бўлиб, сўнгги йилларда кенг миқёсда ривожланиб бормоқда.